

## **1.МАЪРУЗА МАТНИ**

### **9-мавзу. Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ресурслари Режа:**

- 1. Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ресурслари ва капитали.**
- 2. Хўжалик юритувчи субъект молиявий ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги**
- 3.**

#### **1. Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ресурслари ва капитали**

ХЮС ларнинг молиявий ресурслари улар ресурсларининг бир қисми бўлиб, бу ресурслар пул шаклида амал қиласи. Ресурслар-нинг пул шаклида амал қилиши молиявий ресурслар моҳияттан тавсифининг ажралмас қисми ҳисобланиб, бу нарса уларни ХЮС нинг бошқа ресурслари кўринишларидан, хусусан, ишлаб чиқариш воситалари (дастгоҳлар, машиналар, хом ашё ва материаллар, ишлаб чиқаришга мўлжалланган бинолар ва шунга ўхшашлар)дан фарқ қиласи. Буни инобатга олган ҳолда ХЮС воситаларининг “пул шакли” ва “пул қиймати” тушунчаларини фарқламоқ лозим. “ХЮС воситаларининг пул қиймати” тушунчаси, одатда, пул маблағларининг ўзини емас, балки турли мақсадлар учун мўлжалланилган воситалар ва фонdlар (масалан, асосий фонdlар)нинг қиймат жиҳатидан баҳоланишини англаатади.

Пулга сотиб олинганилигига қарамасдан ишлаб чиқариш воси-талари дастгоҳлар, машиналар, хом ашё ва материаллар, ишлаб чиқа-ришга мўлжалланган бинолар ва шунга ўхшашлар) ҳақиқатда пул емас ва пул ҳисобланмайди. Ишлаб чиқариш фонdlарини қайтадан пул шаклига айлантириш учун, аввало, уларни сотиш керак. Бу ҳолда еса, ўз навбатида, мол-мулкнинг балансда акс еттирилган қиймати баҳо-лари емас, балки ҳақиқий бозор баҳолари ҳаракатга тушади. Молия-вий қийинчиликлар ва банкротлик хавфи остида вужудга келадиган бундай вазиятлар ХЮСни ёмон оқибатларга, хусусан, маблағлар ва ресурсларни йўқотиб қўйишига олиб келиши мумкин. Ҳолбуки, ҳалқа-ро амалиётдаги маълумотларга кўра, банкротга учраган ХЮС тугатилаётган пайтда унга тегишли бўлган активлар қийматининг 40%дан ортиқ бўлмаган қисмини олишга муваффақ бўлиши мумкин. Шу муносабат билан ҳатто, соғлом бозор айланмасида, яъни талабга ега бўлган тайёр маҳсулот реализация қилинганда ҳам у фақат сотилга-нидан сўнг пул маблағига айланади.

Ишлаб чиқариш жараёнини янгидан бошлаш ва ривожланти-ришга мўлжалланган ХЮС нинг молиявий ресурслари бу – унинг пул шаклидаги капиталидир. Мехнат воситалари, предметлари ва натижаларига айланган

моддий-буюмлашган капитал, ишлаб чиқа-риш жараёни иштирокчиларининг жисмоний ва интеллектуал қоби-лиятларидан иборат бўлган инсон капитали капитал мавжудлиги ва ҳаракатининг бошқа пулсиз шакллари ҳисобланади. Принцип жиҳа-тидан, такрор ишлаб чиқариш жараёнининг доиравий айланишига киритилган ва унинг егасига даромад келтирувчи ҳар қандай мул-кий ва интеллектуал бойлик капитал бўлиши мумкин.

Тижорий ХЮС ларнинг молиявий ресурслари дастлаб (бир-ламчи ҳолда) таъсис капиталининг бир қисмини пул шаклида қўйиш, шунингдек, бошқа шахслар ва ташкилотлардан мақсадли молия-лаштириш ва субсидиялар кўринишида келиб тушган пул маблағлари қисми ҳисобидан шакллантирилади. Таъсис капиталининг пулсиз қисми (саноат ва интеллектуал мулк объектлари, улардан фойдала-ниш хуқуқлари ва бошқалар) еса, худди мақсадли тушумлар сингари, агар улар пул қўринишида қўйилмаган бўлса, ХЮС нинг молиявий ресурслари таркибиға киритиш мақсадга мувофиқ емас.

Бирламчи капиталнинг ишлаб чиқаришга инвестиция қилини-ши товар-пул доиравий айланиши жараёнининг кенгайишини бошлаб беради. Унинг пул шаклидаги натижаси сифатида ХЮС нинг тушуми майдонга чиқади. Ўз навбатида, тушум харажатлари-ни молиялаштириш ва кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнини давом еттиришни таъминловчи бир неча пул маблағла-ри фондларига бўлинади. Формула орқали буни умумий тарзда, қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$T = \Phi_{aa} + \Phi_{m xm} + \Phi_{ux} + \Phi_{\phi}$$

Бу ерда:  $T$  – тушум;

$\Phi_{aa}$  – асосий ишлаб чиқариш фондларининг жисмоний эскиришини тиклашга мўлжалланган амортизация ажратмалари фонди;

$\Phi_{m xm}$  – моддий харажатларни (хом ашё, материаллар, ёқилғи, электр енергияси ва бошқаларни сотиб олиш) молиялаштириш фонди;

$\Phi_{ux}$  – иш ҳақи фонди;

$\Phi_{\phi}$  – товарларни реализация қилишдан олинган фойда (солиқлар тўлангунча ва фойдадан бошқа тўланмалар амалга оширилгунча).

Айрим иқтисодчи-олимларнинг тадқиқотларида моддий харажатлар ва меҳнат ҳақини молиялаштириш учун мўлжалланган пул маблағлари ХЮС нинг молиявий ресурслари таркибиға киритilmайди. Уларнинг айримлари томонидан еса ХЮС нинг молиявий ресурслари таркибиға ҳатто пулли тушум ҳам киритilmайди. Бундай ёндашувларнинг нотўғри еканлиги шубҳасиз.

Бозор иқтисодиётининг хорижий назарияси ва амалиётида пул тушуми ялпи даромад тарзида талқин қилинади. Бу нарса ХЮС молиявий ресурслари

фондини шакллантириш ва қайта янгилашда тушумнинг умумлаштирилган аҳамиятини ўзида аникроқ акс еттиради. Моддий харажатларни молиялаштириш учун мўлжаллан-ган пул тушумларининг бир қисми, ХЮС нинг реал молиявий ресурси мол етказиб берувчилар ва контрагентларнинг ҳисобварақ-ларига ўтказилмасдан, унинг айланмасида бўлган пайтда кўшимча даромад келтиради. Ўтиш даврининг дастлабки йилларидағи ўзаро мол етказиб бериш (хизмат кўрсатиш) бўйича нотўловлар кризиси банк кредитлари фоизининг юздан ошган даражасида текин тижо-рий кредит имкониятининг мавжудлиги ўзининг “кўлбола” бирлам-чи манбаи бўлиб хизмат қилди. Шунга ўхшаш нарса иш ҳақи фондига нисбатан ҳам тегишли бўлди. Ходимларга, ишчи ва хиз-матчиларга бир неча ойлаб ойлик маошларни беришнинг кечикти-рилганлиги (орқага сурилганлиги) баъзи бир “тадбиркор” ва “бан-кир”ларнинг текинга бойиш манбаларидан бирига айланди, чунки тўланмаган иш ҳақи уларнинг айланмасида бўлган еди.

Амортизация ажратмалари фонди ХЮСлар молиявий ресурс-ларининг таркибий тузилмасида муҳим ўрин тутади. Чунки бундай ажратмалар пул тушумларидан қанча ажратилганлиги ва уларнинг ХЮС тегишли ҳисобварақларида жойлашганлигига қараб ХЮС-ларнинг реал молиявий ресурслари ҳисобланади.

Ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ва товар ҳамда молия бозорларида ХЮС фаолиятининг фаоллашуви натижасида унинг молиявий ресурслари таркибий тузилмасида фойда ҳал қилувчи ўринни егаллай бошлайди. Фойда ХЮС ўз маблағларининг асосий манбаи бўлиб, ишлаб чиқариш аппаратининг янгилинишини, си-фатнинг яхшиланинишини, чиқарилаётган маҳсулот ассортименти-нинг кенгайишини ва ҳ.к.ларни таъминлайди. Фойда ҳисобидан ХЮС нинг резерв фондлари, маҳсус мақсадларга мўлжалланган фондлар шакллантирилади.

Фойда массаси ва нормаси, унинг харажатларга нисбати ХЮС нинг кредитга лаёқатини ва унинг қарз маблағларини жалб қилиш имкониятини, узоқ ва қисқа муддатли кредитларни олишни аниқ-лаб берадиган муҳим индикаторлардир. Қарз маблағларининг ХЮС ўз маблағларига нисбати 1/3 ва ундан катта даражага етиб, унинг тўлов лаёқатига кредиторларда ҳам, ҳамкорларда ҳам шубҳа туғ-дирмаслиги мумкин.

Жорий тижорий ХЮС ларнинг молиявий ресурсларини шакл-ланиш манбаларига кўра қуидагиларга ажратиш мумкин:

- маҳсулот реализациясининг тушуми ҳисобидан шаклланадиган молиявий ресурслар (фойда, амортизация ажратмалари фонди, иш ҳақи фонди, моддий харажатларни тиклаш фонди);
- бошқа реализация (мол-мулк, асосий фаолиятга дахлдор бўлмаган хизматлар ва бошқалар) ҳисобидан олинадиган молиявий ресурслар;
- молиявий бозорда шаклланадиган молиявий ресурслар (кредитлар ва заёмлар, ўз акциялари ва қимматли қоғозларнинг бошқа кўринишларини сотиш, бошқа емитентларнинг қимматли қоғозлари бўйича дивиденdlар ва фоизлар, суғурта қопламалари ва бошқалар);

- кредиторлик қарзлари ҳисобидан ташкил топадиган молия-вий ресурслар (мол етказиб берувчи ва пудратчиларга; меҳнат ҳаки бўйича; ижтимоий сугуртага доир; бюджет олдидағи ва бошқалар);

- бадаллар ва мақсадли характердаги тушумлар ҳисобидан шакллантириладиган молиявий ресурслар (бошқа ташкилотлар ва жисмоний шахслардан тушумлар, бюджет субсидиялари ва ҳ.к.).

## **2.Хўжалик юритувчи субъект молиявий ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги**

Иқтисодий муносабатларни такрор ишлаб чиқариш шаклла-ридан бири сифатида ХЮС лар молиясининг ҳаракати минимал харажатларда максимал натижаларнинг олинишини назарда тутув-чи самарадорликнинг умумиқтисодий мезонига бўйсунади. Шу сабабли ХЮС молиявий ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини қўйидаги формула орқали тасаввур этиш мумкин:

$$\mathbf{C}_{mp} = \mathbf{H}_{m\phi} : \mathbf{X}_{mp}$$

Бу ерда:  $\mathbf{C}_{mp}$  – ХЮС молиявий ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги;

$\mathbf{H}_{m\phi}$  – маълум давр (ўтган ёки режали) учун ХЮС фаолиятининг молиявий натижаси;

$\mathbf{X}_{mp}$  – шу молиявий натижани қўлга киритиш учун ХЮС томонидан қилинган (ёки режалаштирилган) молиявий ресурслар харажатлари

ХЮС молиявий ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини аниқлашда шу нарсани инобатга олиш керакки, молиявий натижа факат молиявий емас, балки моддий ва меҳнат ресурслари хара-жатларининг натижаси ҳамdir. Шунинг учун ҳам, масалан, маҳсу-лотни реализация қилишдан олинган фойдани таққослаб туриб, бунинг натижасида факат фаолиятининг соф молиявий томонини характерловчи кўрсаткичга ега бўламиз, деб ҳисоблаш мақсадга мувофиқ емас. Бу ХЮС молиявий-хўжалик фаолияти самарадорли-гини характерловчи яхлит кўрсаткичлардан бири бўлиб, унга кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнида моддий-ишлаб чиқариш ва молиявий оқимларнинг ажралмас боғлиқлиги хосдир.

Юқорида билдирилган фикр ўзига молиявий натижа ва молия-вий харажатларнинг тавсифини мужассам етувчи ХЮС молиявий-хўжалик фаолиятининг самарадорлигини характерловчи бошқа кўрсаткичларга ҳам тўлиқ тегишилдири. Шундай бўлишига қарамас-дан аналитик мақсадлар учун бу мажмуа (тўплам)дан айнан ХЮС нинг молиявий фаолиятини, унинг

молиявий ва баҳо сиёсатининг самарадорлигини ўхшаш тарзда характерловчи кўрсаткичларни ажратиш мухимдир.

Шуниси таажжубланаарлики, ХЮС молиявий фаолиятининг самарадорлигини ўхшаш ифодаловчиси фонд, молия-кредит ва пул бозорларидағи операцияларнинг даромадлилиги ҳисобланади. Бу ерда, маълумки, пул ( $\Pi^*$ ) гўё тўғридан-тўғри пулдан ( $\Pi$ ) қилинади. У ҳолда молиявий самарадорликни аниқлаш формуласи қўйидаги кўринишни олади:

$$C_{mp} = (\Pi^* - \Pi) : \Pi$$

Бу ерда:  $C_{mp}$  – ХЮС молиявий ресурсларидан

фойдаланиш самарадорлиги;

$\Pi^* - \Pi$  – бевосита молиявий операцияларни

амалга ошириш натижасида ХЮС

томонидан олинган даромад.

Бевосита молиявий операцияларни амалга ошириш натижасида ХЮС томонидан олинган даромад таркибиға қўйидагилар киради:

- ХЮС томонидан акция ва бошқа қимматли қофозларни емиссия қилиш асосида бозорда жойлаштиришдан олинган диви-дендлар;
- бошқа емитентлар қимматли қофозларини сотиб олишдан олинган дивиденdlар;
- банклардаги пул омонатларидан олинган фоиз даромадлари;
- ХЮС фойдасидаги валюталар курслари бўйича фарқлар;
- ва бошқалар.

ХЮС молиявий операцияларининг даромадлилигини харак-терловчи кўрсаткич уларнинг самарадорлигини соф молиявий нати-жанинг соф молиявий харажатларга нисбати шаклида ифодалаб, кўпчилик ҳолларда ХЮС молия-хўжалик фаолиятининг ҳақиқий самарадорлигини акс еттиrmайди. Иқтисодиёт реал сектори самара-дорлигининг кўрсаткичларида ва баҳоларида банкрот ҳолатида бўлишларига қарамасдан молиявий “спекуляциянинг” имконият-лари уларни “чўкмасдан” туришларига шароит яратади.

Реал сектор ХЮСларида, моддий ишлаб чиқаришда молиявий ресурслардан фойдаланишнинг самарадорлигини мос равища баҳолаш талабларига у ёки бу даражада сотув рентабеллиги кўр-саткичи (фойданинг маҳсулотни реализация қилишдан олинган тушумга нисбати) жавоб беради. Бу нисбатдаги сурат ва маҳраж пул маблағларидан иборат бўлганлиги учун сотув рентабеллигини, айрим ҳолатларни истисно қилган тарзда, соф молиявий кўрсаткич сифатида еътироф этиш мумкин. Шундай бўлишига қарамасдан бу ерда яна бир нарсани инобатга олмоқ лозим, яъни самарадорлик-нинг ўлчови сифатида юқоридаги кўрсаткичнинг ҳаққонийлик даражаси жуда кўп омилларга, хусусан, тушум ва фойдани шакл-лантирувчи бозор баҳоларининг монопол баҳоларни шаклланти-ришнинг салбий таъсиrlаридан қанчалик озод еканлигига боғлик.

Юқорида кўриб ўтилган барча молиявий кўрсаткичларда мазмун ва шакл ўртасида диалектик қарама-қаршиликнинг мавжуд-лиги намоён бўладики, бу нарса бизнинг ҳолатда ХЮС лар молия-сининг (иктисодиёт яхлит молиявий секторининг ҳам) ўз иктиносидан, ишлаб чиқаришдан ажralиб чиқишига ва унга боғлиқ бўлмаган ҳолда мустақил ҳаёт кечириш имкониятини қўлга киритишга интилиши орқали ифодаланади. ХЮС лар молия-хўжалик фаолия-тининг самарадорлигини таҳлил қилиш ва баҳолашда молиявий кўрсаткичлар (масалан, тушум ва фойда) моддий айланма маблағларнинг айланувчанлиги, асосий ишлаб чиқариш фондлари ва номоддий активларнинг фонд сифими каби иктиносидан кўрсаткичлар билан биргаликда қаралса, бу қарама-қаршилик, маълум даражада, пасаяди. Ана шу муносабат билан енг умумлаштирувчи кўрсаткичлардан бири қуйидаги формулага мувофиқ равишда ҳисоблана-диган ХЮСнинг иктиносидан рентабеллиги (бизнеснинг рентабелли-ги) кўрсаткичидир:

$$P_u = \Phi : (K_{a\ddot{u}l} + K_{ac} + A_{nom})$$

Бу ерда:  $P_u$  – ХЮСнинг иктиносидан рентабеллиги, бизнеснинг рентабеллиги;  
 $\Phi$  – йиллик фойда;  
 $K_{a\ddot{u}l}$  – ХЮС айланма капиталининг миқдори (қиймат баҳоларида);  
 $K_{ac}$  – ХЮС асосий капиталининг миқдори (қиймат баҳоларида);  
 $A_{nom}$  – ХЮС номоддий активларининг миқдори (қиймат баҳоларида);

ХЮС молиявий ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилишда унинг молиявий барқарорлиги, тўловга лаёқатли-лиги ва ликвидлилигини характерловчи кўрсаткичлардан четда қолмаслик керак. Бу ерда ҳам ўзининг мазмунига кўра соф молия-вий ва иктиносидан кўрсаткичлар кўлланилади. Соф молиявий кўрсаткичлар қаторига абсолют ва муддатли ликвидлик коеффициент-ларини киритиш мумкин бўлиб, улар ёрдамида ХЮС нинг потенциал тўлов қобилияти баҳоланади:

$$K_{a\ddot{e}c} = (\Pi + KK) : M_{km}$$

$$K_{myd} = (\Pi + KK + DK) : M_{km}$$

Бу ерда:  $K_{a\ddot{e}c}$  – абсолют ликвидлилик коеффициенти;  
 $K_{myd}$  – муддатли ликвидлилик коеффициенти;  
 $\Pi$  – ҳисобвараклардаги ва ХЮС кассасидаги пуллар;  
 $KK$  – ликвидли қимматли қофозлар;

**ДК** – мобилизация қилинган дебиторлик қарзлари;  
**M<sub>км</sub>** – ХЮСнинг қисқа муддатли мажбуриятлари.

ХЮС нинг пул маблағлари ва моддий ресурсларининг пулли (қиймат) баҳоси аралашадиган кўрсаткич жорий ликвидлик коеф-фициентидир (қоплаш коеффициенти). У куйидагича ҳисобланади:

$$K_{жл} = (ПМ + МАМ) : M_{км}$$

Бу ерда: **K<sub>жл</sub>** – жорий ликвидлилик коеффициенти;

**ПМ** – пуллар ва уларга тенглаштирилган маблағлар (ликвидли қимматли қофозлар ва жалб қилинган дебиторлик қарзлари);

**МАМ** – ХЮС моддий айланма маблағларининг қиймат баҳоси;


**M<sub>км</sub>** – ХЮС нинг қисқа муддатли мажбуриятлари.

## НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР

- ХЮСларнинг молиявий ресурслари деб нимага айтилади ва улар қандай шаклларда амал қиласди?
- ХЮС воситаларининг “пул шакли” ва “пул қиймати” тушунчалари ўртасида қандай фарқлар мавжуд?
- ХЮС нинг капитали деганда нима тушунилади?
- Капитал мавжудлиги ва ҳаракатининг бошқа пулсиз шакллари нималардан иборат?
- Такрор ишлаб чиқариш жараёнининг доиравий айланишига киритилган ва унинг егасига даромад келтирувчи ҳар қандай мулкий ва интеллектуал бойлик капитал бўлиши мумкинми?
- Тижорий ХЮСларнинг молиявий ресурслари дастлаб ни-малар хисобидан шакллантирилади?
- Тушум ҳаражатларни молиялаштириш ва кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнини давом еттиришни таъминловчи қандай маблағлар фондларга бўлинади?
- Амортизация ажратмалари фонди ХЮСлар молиявий ресурсларининг таркибий тузилмасида қандай рол ўйнайди?
- ХЮС молиявий ресурслари таркибий тузилмасида фойда-нинг ўрни қандай?
- Жорий тижорат ХЮС ларининг молиявий ресурсларини шаклланиш манбаларига кўра нечага ажратиш мумкин?
- ХЮС молиявий ресурсларидан фойдаланиш самарадорли-гини формула орқали қандай тасаввур этиш мумкин?
- Пул ( $\Pi^*$ ) гўё тўғридан-тўғри пулдан ( $\Pi$ ) қилинганда молия-вий самарадорликни аниқлаш формуласи қандай кўриниш олади?
- Бевосита молиявий операцияларни амалга ошириш натижа-сида ХЮС томонидан олинган даромад таркибига нималар киради?
- Реал сектор ХЮСларида, моддий ишлаб чиқаришда молия-вий ресурслардан фойдаланишнинг самарадорлигини мос равишда баҳолаш талабларига қандай кўрсаткич жавоб беради?
- ХЮСнинг иқтисодий рентабеллиги ёки бизнеснинг рента-беллиги қандай аниқланади?
- ХЮС молиявий ресурсларидан фойдаланиш самарадорли-гини таҳлил қилишда қандай кўрсаткичлар еътибордан четда қолмаслиги керак?
- Соф молиявий кўрсаткичлар қаторига қандай коефициент-ларни киритиш ва улар ёрдамида ХЮСнинг қандай қобилиятини баҳолаш мумкин?
- Абсолют ликвидлилик, муддатли ликвидлилик ва жорий ликвидлилик коефициентлари қандай аниқланади?

## **2.ТАРҚАТМА МАТЕРИАЛ**

### **9.1. Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ресурслари ва капитали**



## Хўжалик юритувчи субъектларнинг капитали

Ишлаб чиқариш жараёнини янгидан бошлаш ва ривожлантиришга мўлжалланган ХЮС нинг молиявий ресурслари бу пул шаклидаги унинг капиталидир


Меҳнат воситалари, предметлари ва натижаларига айланган моддий-буюмлашган капитал, ишлаб чиқариш жараёни иштирокчиларининг жисмоний ва интеллектуал қобилиятларидан иборат бўлган инсон капитални капитал мавжудлиги ва ҳаракатининг бошқа пулсиз шакллари ҳисобланади

Принцип жиҳатидан, такрор ишлаб чиқариш жараёниниг доиравий айланишига киритилган ва унинг эгасига даромад келтирувчи ҳар қандай мулкий ва интеллектуал бойлик капитал бўлиши мумкин.

Таъсис капиталининг пулсиз қисми (саноат ва интеллектуал мулк обьектлари, улардан фойдаланиш ҳуқуқлари ва бошқалар) эса, худди мақсадли тушумлар сингари, агар улар пул кўринишида қўйилмаган бўлса, уларни ХЮС нинг молиявий ресурслари таркибига киритиш мақсадга мувофиқ эмас

Дастлабки (бирламчи) капиталнинг ишлаб чиқаришга инвестиция қилиниши товар-пул доиравий айланиши жараёниниг кенгайишини бошлаб беради. Унинг пул шаклидаги якуни (натижаси) сифатида ХЮС нинг тушуми майдонга чиқади

**Тушум харажатларни молиялаштириш ва  
кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнини  
давом эттиришни таъминловчи бир неча пул  
маблағлари фондларига бўлинади**



Бозор иқтисодиётининг хорижий назарияси ва амалиётида пул тушуми ялпи даромад тарзида талқин қилинади. Бу нарса ХЮС молиявий ресурслари фондини шакллантириш ва қайта янгилашда тушумнинг умумлаштирилган аҳамиятини ўзида аниқроқ акс эттиради

Моддий харажатларни молиялаштириш учун мўлжалланган пул тушумларининг бир қисми, ХЮС нинг реал молиявий ресурси мол етказиб берувчилар ва контрагентларнинг ҳисобварақларига ўтказилмасдан унинг айланмасида бўлган пайтда унга қўшимча даромад келтиради

## **Амортизация ажратмалари фонди**

Амортизация ажратмалари фонди ХЮС лар молиявий ресурсларининг таркибий тузилмасида муҳим ўрин тутади

Чунки бундай ажратмалар пул тушумларидан қанча ажратилганлиги ва уларнинг ХЮС тегишли ҳисобварақларида жойлашганлигига қараб ХЮС ларнинг реал молиявий ресурслари ҳисобланади

## **Фойда**

Ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ва товар ҳамда молия бозорларида ХЮС фаолиятининг фаоллашуви натижасида унинг молиявий ресурслари таркибий тузилмасида фойда ҳал қилувчи ўринни эгаллай бошлайди

Фойда ХЮС ўз маблағларининг асосий манбай бўлиб, ишлаб чиқариш аппаратининг янгиланишини, сифатнинг яхшиланишини, чиқарилаётган маҳсулот ассортиментининг кенгайишини ва х.к.ларни таъминлайди

Фойда ҳисобидан ХЮС нинг резерв фондлари, маҳсус мақсадларга мўлжалланган фондлар шакллантирилади


Фойда массаси ва нормаси, унинг харажатларга нисбати ХЮС нинг кредитга лаёқатлилигини ва унинг қарз маблағларини жалб қилиш имкониятини, узоқ ва қисқа муддатли кредитларни олишни аниқлаб берадиган муҳим индикаторлардир

## **Амал (ҳаракат)даги тижорий ХЮС ларнинг молиявий ресурсларини уларнинг шаклланиш манбалариiga қўра қўйидагиларга ажратиш мумкин**


- махсулот реализациясининг тушуми ҳисобидан шаклланадиган молиявий ресурслар (фойда; амортизация ажратмалари фонди; иш ҳақи фонди; моддий харажатларни тиклаш фонди)
- бошқа реализация (мол-мулк; асосий фаолиятга дахлдор бўлмаган хизматлар ва бошқалар) ҳисобидан олинадиган молиявий ресурслар
- молиявий бозорда шаклланадиган молиявий ресурслар (кредитлар ва заёмлар; ўз акциялари ва қимматли қоғозларнинг бошқа қўринишларини сотиш; бошқа эмитентларнинг қимматли қоғозлари бўйича дивиденdlар ва фоизлар; суғурта қопламалари ва бошқалар)
- кредиторлик қарзлари ҳисобидан ташкил топадиган молиявий ресурслар (мол етказиб берувчи ва пудратчиларга; меҳнат ҳақи бўйича; социал суғуртага доир; бюджет олдидаги ва бошқалар)
- ↓ бадаллар ва мақсадли характердаги тушумлар ҳисобидан шакллантириладиган молиявий ресурслар (бошқа ташкилотлар ва жисмоний шахслардан тушумлар, бюджет субсидиялари ва ҳ.к.)

## **9.2. Хўжалик юритувчи субъект молиявий ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги**

### **ХЮС молиявий ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги**



## **Бевосита молиявий операцияларни амалга ошириш натижасида ХЮС томонидан олинган даромад таркибиغا қуйидагилар киради**



Ажабланарлиси шундаки, ХЮС молиявий операцияларининг даромадлилигини характерловчи кўрсаткич уларнинг самарадорлигини соф молиявий натижанинг соф молиявий харажатларга нисбати шаклида ифодалаб, кўпчилик ҳолларда ХЮС молия-хўжалик фаолиятининг ҳақиқий самарадорлигини акс эттирмайди. Иқтисодиёт реал сектори самарадорлигининг кўрсаткичларида ва баҳоларида банкрот ҳолатида бўлишларига қарамасдан молиявий “спекуляциянинг” имкониятлари уларни “чўкмасдан” туришларига шароит яратади

## Сотув рентабеллиги

Реал сектор ХЮС ларида, моддий ишлаб чиқаришда молиявий ресурслардан фойдаланишининг самарадорлигини мосравишида баҳолаш талабларига у ёки бу даражада сотув рентабеллиги кўрсаткичи (фойданинг маҳсулотни реализация қилишдан олинган тушумга нисбати) жавоб беради

Бу нисбатдаги сурат ва маҳраж пул маблағларидан иборат бўлганлиги учун сотув рентабеллигини, айрим ҳолатларни истисно қилган тарзда, соф молиявий кўрсаткич сифатида эътироф этиш мумкин

Шундай бўлишига қарамасдан бу ерда яна бир нарсани инобатга олмок лозим, яъни самарадорликнинг ўлчови сифатида юқоридаги кўрсаткичнинг ҳаққонийлик даражаси жуда кўп омилларга, хусусан, тушум ва фойдани шакллантирувчи бозор баҳолари монопол баҳоларни шакллантиришнинг салбий таъсиirlаридан қанчалик озод эканлигига боғлиқ

Барча молиявий кўрсаткичларда мазмун ва шакл ўртасида диалектик қарама-қаршиликнинг мавжудлиги намоён бўладики, бу нарса бизнинг ҳолатда ХЮС лар молиясининг (иқтисодиёт яхлит молиявий секторининг ҳам) ўз иқтисодий асосидан, ишлаб чиқаришдан ажralиб чиқишга ва унга боғлиқ бўлмаган ҳолда мустақил ҳаёт кечириш имкониятини қўлга киритишга интилиши орқали ифодаланади

ХЮС лар молия-хўжалик фаолиятининг самарадорлигини таҳлил қилиш ва баҳолашда молиявий кўрсаткичлар (масалан, тушум ва фойда) моддий айланма маблағларнинг айланувчаниги, асосий ишлаб чиқариш фондлари ва номоддий активларнинг фонд қайтими (сигими) каби иқтисодий кўрсаткичлар билан биргаликда қаралса, бу қарама-қаршилик, маълум даражада, пасаяди


Ана шу муносабат билан энг умумлаштирувчи кўрсаткичлардан бири ХЮС нинг иқтисодий рентабеллиги (бизнеснинг рентабеллиги) кўрсаткичидир

**ХЮС нинг иқтисодий  
рентабеллиги (бизнеснинг  
рентабеллиги)**

Бу кўрсаткич йиллик фойданинг ХЮС айланма капитали, асосий капитали ва номоддий активларининг миқдорлари йигиндисига нисбати билан аниқланади

ХЮС молиявий ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилишда унинг молиявий барқарорлиги, тўловга лаёқатлиги ва ликвидлилигини характерловчи кўрсаткичлардан четда қолмаслик керак. Бу ерда ҳам ўзининг мазмунига кўра соф молиявий ва иқтисодий кўрсаткичлар қўлланилади. Соф молиявий кўрсаткичлар қаторига абсолют ва муддатли ликвидлик коэффициентларини киритиш мумкинки, улар ёрдамида ХЮС нинг потенциал тўлов қобилияти баҳоланади

## Соф молиявий күрсаткичлар



### **3.АМАЛИЙ МАШГУЛОТ УЧУН МАТЕРИАЛ**

#### **1-топширик**

1. Саволга жавоб ёзинг.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ресурслари шаклланиш манбалари нимадан иборат?

2. Тестни ечинг:

1. Капитални бошқариш, яъни уни кенгайтириш ундан фойдаланиш ва уни жалб қилиш фаолиятиғ

- a) капитал бозори
- b) ўз-ўзини молиялаштириш
- c) молиявий усиш
- d) тадбиркорлик фаолиятида молиявий таъминлаш
- e) ички молиявий холат

2. Корхонани банкротлиги жаҳон амалиётида қандай сабабларга кура юзага келади?

- a) молиявий ва ташқилий сабаблар
- b) глобал сабаблар
- c) эфектив сабаблар
- d) a,b
- e) a,c

3.Куидагилардан қайси бири бизнес режада акс эттирилмайди?

- a) Янги товарларни қайта ишлаб чиқариш режаси
- b) ишлаб чиқаришни ривожлантириш стратегияси
- c) ишлаб чиқаришни таъминлаш режаси
- d) маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш режаси

4.Давр харажатлари таркибига кирмайдиган харажатни кўрсатинг.

- a) сотиш харажатлари
- b) олдиндан режалаштириш имкони бўлмаган тасодифий харажатлар
- c) чет эл валютаси курси узгаришидан курилган зарар
- d) илмий тадқиқот харажатлари
- e) b,c

3.Капиталнинг таркиби бўйича кроссворд тузинг .

4.Глоссарийнинг номини ёзинг:

..... - узоқ муддатли ижара кўринишидаги харидни узоқ муддатли кредитлаш шакли.

## **1-топшириқ**

1.Саволга жавоб ёзинг.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг қарз капитали тушунчаси хақида ёзинг?

2.Тестни ечинг:

1.Корхона баланси қайси бўлимлардан иборат?

- a) фақат актив
- b) фақат пассив
- c) актив ва пассив
- d) тўғри жавоб йўқ.

2.Тижорат ташкилоти фаолияти охирги яқуний натижаси нима хисобланади?

- A) Даромад
- Б) Фойда.
- В) харажат
- Г) Зарар

3.Айланма капитал нечта фазага эга?

- A) 1
- Б) 2
- В) 3.
- Г) 4

4.Қўйидагиланинг қайси бири молиявий хисоботга киради?

- A) Резерв капитали хақида хисобот
- Б) Пул оқимлари хақида хисобт.
- В) Кредит ва ссудалар
- Г) Активлар

3.Хўжалик юритувчи субъектларни ташкилий хуқуқий шакллари бўйича кроссворд тузинг .

4.Глоссарийнинг номини ёзинг:

.....- бу хўжалик субъектларининг ва фуқароларнинг маълум бир воқеанинг содир бўлишидан химоялайдиган муносабатdir. Бу химояланиш суғурта бадалларини тўлаш орқали шакллантириладиган пул фонdlари хисобидан амалга оширилади. **4.ГЛОССАРИЙ**

## **Хўжалик юритувчи субъектларни молиявий ресурслари**

**Молиявий ресурслар** (финансовые ресурсы, financial resources) – бу ЯИМ ва миллий даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш натижасида хўжалик юритувчи субъектлар ва давлатнинг қўлидаги у ёки бу вақтда бўлган пул даромадлари ва фондлари йифиндисидир.

**Қарзга олинган ва жалб қилинган маблағлар** (Заемные и привлеченные средства, Borrowed and borrowed funds) - банк кредитлар, - кредиторлик қарзлари, - акция ва аблигациялар чиқаришдан тушум.

**Марказлашган молиявий ресурслар** -хўжалик субъектлари ихтиёридаги молиявий ресурслардир.

**Марказлашган молиявий ресурслар** (Финансовые ресурсы, Financial resources)- макродаражадаги ижтимоий ишлаб чиқариш эҳтиёжларини қондириб, уларга бюджет ва бюджетдан ташқари фондларнинг маблағлари киради.

**Реал инвестиция** (Реал инвестиция, Real investment)- Ишлаб чиқаришни кенгайтиришга ноишлаб чиқаришни ривожлантиришга қиилнган инвестициялар.

**Портфел** (Портфель, Portfolio)- Қимматли қофозга қилинган инвестиция ва Бошқа корхонанинг акциясига киритиш .

**Ўз-ўзини молиялаштириш** (Самофинансирование, Self-financing)- қўшимча маблағлар манбаларини жалб қилишнинг энг кўзга кўринган усули, лекин уни узок муддатлар учун прогноз қилиш қийин ва миқдор жиҳатидан ҳам чегараланган.

**Бюджетдан молиялаштириш** (финансирование бюджета, financing of the budget) - бу турли хил бюджет погоналаридан маблағлар олинишини англатувчи, молиялаштиришнинг энг қулай усувларидан биридир.

**Хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида ўзаро молиялаштириш** (Финансирование между субъектами хозяйствования, Financing between the economic entities) - корхоналар ўзаро хўжалик муносабатларини амалга ошириш жараёнида бир-бирларига турли хилдаги маҳсулотлар етказиб беришда тўловларни кечикириш ҳоллари ҳам юз беради ва бунинг натижасида ўзаро молиялаштириш холати юзага келади.

**Актив капитал**(активный капитал, Active capital)- бу хўжалик юритувчи субъектнинг ишлаб иқариш қувватидини акс эттиради. Улар иккита бўлим – асосий ва айланма капитал кўринишида бухгалтерия баланси активларида расмий тақдим этилади.

**Пассив капитал** (пассивный капитал, passive capital)– бу узок муддатли маблағлар манбаи бўлиб, улар ҳисобига хўжалик субъектининг активлари шакллантирилади. Улар ўз ва қарз капиталга ажратилади.

**Ўзлик капитали** (капитал сам, capital of the self)- учинчи шахслар талаблари қондирилгандан сўнг корхона мулқдорларга тегишли корхона активлари қийматининг бир қисми ҳисобланади. Ўзлик капиталининг баҳоланиши расмий (иккита усул ёрдамида, балансли баҳолаш, яъни жорий ҳисоб-китоблар ва ҳисботларга асосан ёки бозор баҳоларида) ёки ҳақиқий баҳоларда амалга оширилиши мумкин, яъни корхона тутатилиши вақтида.

## **5.АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Ваҳобов А., Маликов Т. Молия: дарслик. – Т.: Ношир, 2011. – 712 б.
2. Финансы: учебник для бакалавров / Под ред. М. В. Романовского, О. В. Врублевской. – 3-е изд., перераб. и доп. – М.: Издательство Юрайт, 2012. – 590 с.
3. Маликов Т., Тилабов Н. Молия: тест (савол-жавоблар). – Т.: Академнаср, 2013. – 448 б.
4. Ваҳобов А., Қосимова Г.А. Давлат молиясини бошқариш. – Т.: Иқтисод-молия, 2008 й.
5. Ваҳобов А, Маликов Т. “Молия: умумназарий масалалар” ўқув қўлланма Тошкент, “IQTISOD-MOLIYA”, 2008 й., 316 б.
6. Ваҳобов Д., Ражабов Ш. “Молия” ўқув қўлланма Тошкент, “IQTISOD-MOLIYA”, 2009 й., 200 б.
7. Маликов Т.С. Хўжалик юритувчи субъектлар молияси, ўқув қўлланма, Т.:2010 й..
8. Маликов Т.С., Ваҳобов Д. Молия: чизмаларда. Ўқув қўлланма, Т.: “Иқтисод-молия”, 2010й .
9. Маликов Т., Жалилов П. Бюджет-солиқ сиёсати, ўқув қўлланма, Т.: 2011 й.
10. Маликов Т., Хайдаров Н., “Давлат бюджети” ўқув қўлланма, Тошкент: “IQTISOD-MOLIYA”, 2007 й., 84 б.
11. Маликов Т., Хайдаров Н., “Бюджет даромадлари ва харажатлари” ўқув қўлланма, Тошкент: “IQTISOD-MOLIYA”, 2007 й., 245 б.
12. Маликов Т., Хайдаров Н., “Бюджет: тизими, тузилмаси, жараёни” ўқув қўлланма, Тошкент “IQTISOD-MOLIYA”, 2008 й., 84 б.
13. Маликов Т. Ҳайдаров Н. “Молия: умумдавлат молияси” ўқув қўлланма Тошкент, “IQTISOD-MOLIYA”, 2009 й., 556 б.

## **6. ТАҚДИМОТ МАТЕРИАЛЛАРИ**